

9-1-2018

International Standards of Commercial Banks' Financial Stability Evaluation

F.N Nasriddinov

Tashkent State University of Economics, Tashkent, 100003, Uzbekistan, nfazliddin@gmail.com

M.K Makhmudova

Tashkent State University of Economics, Tashkent, 100003, Uzbekistan, mukhlisa0112@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Nasriddinov, F.N and Makhmudova, M.K (2018) "International Standards of Commercial Banks' Financial Stability Evaluation," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018 : No. 4 , Article 22.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss4/22>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАХОЛАШНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИ

Насриддинов Фазлиддин Нажмиддинович,
ТДИУ кафедра мудири, и.ф.н., доц.
E-mail: nfazliddin@gmail.com

Махмудова Мухлиса Қодиржон қизи,
ТДИУ тадқиқотчиси
E-mail: mukhlisa0112@mail.ru

Аннотация: Ушбу мақолада тижорат банклари молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг Халқаро валюта фонди экспертлари томонидан кўрсатилган тавсиялари ва молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг Европа марказий банки томонидан қўлланиладиган кўрсаткичлари берилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон тижорат банкларининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва уларнинг янада барқарорлигини ошириш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В этой статье обобщены показатели финансовой стабильности коммерческих банков по рекомендациям Международного валютного фонда и показатели финансовой стабильности, используемые Европейским центральным банком. Кроме того, были проанализированы показатели финансовой стабильности коммерческих банков Узбекистана, разработаны предложения и рекомендации на основе изучения международного опыта по повышению их устойчивости.

Abstract: This article summarizes the financial stability indicators of commercial banks by the recommendations of the International monetary fund and the indicators of financial stability used by the European central bank. In addition to this, the financial stability indicators of commercial banks of Uzbekistan were analyzed and recommendations were developed on the basis of studying foreign experience.

Калит сўзлар: Актив, пассив, активлар сифати, банк капитали, барқарорлик, Базель қўмитаси, ликвидлик, риск, ROA, ROE, даромад, фойдалилик, мажбурият, секьюритизация.

Кириш

Молиявий барқарорлик тушунчаси бугунги кунда кўп иқтисодий адабиётларда кенг мунозарага сабаб бўлмоқда. Молиявий барқарорлик бу молия тизими, хусусан, молия бозорлари ва молиявий институтлар тизимининг беқарор иқтисодий шароитда асосий функцияларини бажара олиш қобилиятига айтилади (Фредрик С. Мишкин)[2]. 2008 йилда жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирозининг содир бўлиши кўплаб молия ташкилотлари, хусусан, тижорат банкларида асосий функцияларни бажара олмаслик хавфини юзага келтирди. Бунинг асосий сабаби сифатида банкларнинг молиявий барқарорлиги етарли даражада таъминланмаганлиги кўрсатилди. Бу инқироздан кейин бутун дунёда молия институтларининг молиявий барқарорлиги ҳамда барқарорлик кўрсаткичларига кескин талаблар жорий қилинди. Банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2010 йил халқаро Базель қўмитасининг янги талаблари ишлаб чиқилди ва Базель III талаблари шу йилнинг ўзида Европа банк тизими амалиётига жорий қилинди. Базель қўмитаси банкларнинг

бир нечта молиявий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлари, хусусан, банк капитал етарлилигига қўйилган минимал талаблари (minimum capital ratio), ликвидлилик кўрсаткичи (liquidity coverage ratio) ва бошқа кўрсаткичларга қўйилган янги талабларни жорий қилди.

Мамлакатимизда сўнги йилларда иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” ва 2017 йилнинг 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги “Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3272-сонли қарори банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашда базавий асос яратди. Банкларнинг барқарорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Юқорида келтирилган меъёрий ҳужжатлар Ўзбекистон банкларининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда хорижий олимлар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган. Банкларнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича илк илмий изланиш олиб борган олим Гарвард университетининг молия ва банк иши бўйича профессори Оливер М. В. Спрагге (1910) ҳисобланади. Унинг тадқиқоти банк миқозларининг ишончини ошириш орқали банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ғоясини илгари сурди. Сўнги йилларда илм-фаннинг ривожланиши банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича янги методлар яратилди. Энг сўнги замонавий компьютер дастурларига асосланган методлар бугунги кун амалиётида қўлланилмоқда.

Роберт С. Мертоннинг (1995) фикрича молиявий институтлар ўртасида соф рақобат даражаси ошиши ва маълумотлар шаффофлиги таъминланиши молиявий барқарорлик даражаси мустаҳкамланишига олиб келади.

Колумбия университети профессори банк молия соҳаси етук мутахассисларидан бири Фредерик С. Мишкиннинг (2010) таъкидлашича, банк тизимидаги маълумотларнинг ноаниқлик даражаси ошиши, ишончсизлик даражаси ошиши банкларнинг молиявий барқарорлигини пасайтиради.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Т.И.Бобакуловнинг фикрича, банклар молиявий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили банк актив ва пасивлари ўртасида уларнинг муддати ва ҳажми бўйича мутаносиблигини таъминлаш ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолани тайёрлашда хорижий олимлар томонидан илгари сурилган мавжуд назариялар ўрганилди ва мамлакатимизда банклар молиявий барқарорлигига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинди. Тадқиқотни амалга оширишда асосан қиёсий баҳолаш ва илмий абстракция усулларидан фойдаланилди.

Статистик манба сифатида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг йиллик ҳисоботлари ва Ахборот рейтинг агентлигининг йиллик ҳисоботларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банклари молиявий барқарорлик кўрсаткичларини ҳисоблашдан асосий мақсад фойдаланувчиларни молиявий институт қай даражада барқарор фаолият юритиши ҳақида маълумот билан таъминлаш ҳисобланади. Бу кўрсаткичларнинг халқаро даражада қиёслаш, кўрсаткичнинг моҳиятини кенгроқ ёритишга хизмат қилади. Шу мақсадда Халқаро валюта фонди экспертлари томонидан 1992 йил молиявий барқарорликни ҳисоблаш кўрсаткичлари биринчи марта ишлаб чиқилди ва тавсия этилди. 2002 йилда ҳамда сўнгги марта 2006 йилларда баъзи ўзгартиришлар киритилди. Бу молиявий барқарорлик кўрсаткичлари жами 39 та бўлиб улар 2 та гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳ асосий кўрсаткичларни (банк тизимида оид) ўз ичига олади ва 12 та молиявий кўрсаткичдан ташкил топган. Иккинчи гуруҳга кирувчи 27 та кўрсаткич, нобанк молия ташкилотлари, корхоналар ва уй хўжаликларининг молиявий барқарорлигини ҳисоблашда кўллашга тавсия этилган. Тижорат банклари фаолияти тадқиқот объекти бўлгани сабабли биринчи гуруҳ кўрсаткичларини ўрганишни лозим топдик [4]. Қуйидаги 1-жадвалда келтирилган тавсиялар Халқаро валюта фондининг тавсиялари бўлиб, бугунги кунда Европа марказий банки томонидан амалиётда кўллаб келинмоқда. Ушбу келтирилган тавсияларни Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда ўрганиб чиқдик. Қуйида уларнинг таркиби келтирилган.

1-жадвал

Халқаро валюта фондининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари[4]

№	Категория	Кўрсаткич
1.	Капитал монандлиги	Умумий капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати
		Биринчи даражали капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати
		Муаммоли кредитларга ажратилган захира ажратмаларининг активларга нисбати
2.	Активлар сифати	Муаммоли кредитларнинг умумий кредитлардаги улуши
3.	Даромад ва фойдалилик даражаси	Активларнинг даромадлилик даражаси (ROA)
		Акциядорлик капиталининг даромадлилик даражаси (ROE)
		Фоизли даромаднинг ялпи фойдадаги улуши
		Фоизсиз харажатларнинг ялпи фойдадаги улуши
4.	Ликвидлилик даражаси	Ликвидли активларнинг умумий активлардаги улуши
		Ликвидли активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати
5.	Хорижий валюта билан боғлиқ риск даражаси	Банк соф очиқ валюта позициясининг капиталга нисбати

Манба: Adam Gersl and Jaroslav Hermanek, “ Financial stability indicators: Advantages and disadvantages of their use in the assessment of financial system stability”, page 69.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлардан капитал монандлиги кўрсаткичи бирдан содир бўладиган молиявий йўқотишларга банкнинг қай даражада молиявий бардошлигини кўрсатса, активлар сифати эса банкнинг тўловга қай даражада қобиллигини ифодалайди. Даромад ва фойдалилик кўрсаткичлари банк капиталига таъсир этмаган ҳолатда йўқотишларни қоплай олиш даражасини кўрсатади. Ликвидлилик даражаси нақд пул муаммосини банк қай даражада бартараф этишини

ифодалайди. Хорижий валюталардаги риск банкнинг хорижий валюталардаги активларининг бозор баҳолари ўзгариши банк фаолиятига қай даражада таъсир қилишини ифодалайди.

Тадқиқотнинг асосий мақсади юқорида келтирилган кўрсаткичларнинг Ўзбекистоннинг банклари амалиётида қўллаган ҳолда таҳлил қилишдан иборат. Ўшбу мақсадни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб чиқдик.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг баъзи молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ўзгариши[6]

№	Кўрсаткичлар	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил
1.	Асосий капитал етарлилик даражаси	16,19%	13,83%	13,66%	18,8%
2.	Биринчи даражали капитал етарлилиги	14,98%	12,26%	12,4%	17,3%
3.	Активлар сифати	0,94%	0,69%	0,29%	0,45%
4.	ROA	1,70%	1,69%	2,02%	1,76%
5.	ROE	13,86%	14,35%	12,6%	10,8%
6.	Жорий ликвидлилик даражаси	67,13%	67,12%	66,73%	87,7%

Манба: “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигини маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқорида келтирилган жадвалда Ўзбекистон Республикаси банк тизими молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг 3 йил давомида ўзгариш тенденцияси келтирилган. Мамлакатимиз банк тизими капитали етарлилик даражасини баҳолаш Базель стандарти тавсиялари асосида ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қўйилган талабга мувофиқ асосий капиталнинг энг паст даражаси 2016 йил 1 январгача 10 %, биринчи даражали капиталнинг энг паст даражаси эса 5 % қилиб белгиланган эди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Базель қўмитасининг янги талабларини қабул қилди ва унга мувофиқ 2016 йил 1 январдан асосий капиталнинг энг паст даражаси 11,5 %, 2019 йил 1 январдан 14,5 % етказиш белгиланди. Шу билан бирга, 2016 йил 1 январдан биринчи даражали капиталнинг энг паст даражаси эса 7,5% бўлиши тасдиқланди. Таҳлилларимиз кўрсатдики, тижорат банклари асосий капиталининг етарлилик даражасида камайиш тенденцияси кузатилган. 2014 йилда 16,19 %, 2015 йилда 13,83 %, 2016 йилда 13,83 %. Биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси 2015 йилда 2014 йилга нисбатан 2,7 % га камайган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 0,2 % га ўсган. Шу билан бирга тижорат банкларининг муаммоли кредитлари ҳажми камайиши активлар сифати яхшиланишига олиб келган. Хусусан, ўрганилган давр мобайнида, умумий кредитлар ҳажмида тижорат банкларининг узоқ муддатли муаммоли кредитлари улуши 2014 йилда 0,94 %, 2015 йилда 0,69 % ва 2016 йилда 0,29% ташкил қилди. 2017 йилда тижорат банклари активлари ва акцияларининг даромадлилик даражаси камайган. 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, ROA 1,76% ташкил қилган бўлса, ROE 10,8% га камайган [6].

ROA (return of assets) инглизча сўздан олинган бўлиб, банкнинг активлари фойдалилик даражасини кўрсатади. Яъни, бир сўм тикилган актив қанча фойда келтиради. Мамлакатимиз банкларида бу кўрсаткич 2014 йилда 1,70 % ни ташкил

қилган бўлса, 2015 йилда ҳам деярли ўзгармади ва йил охирида 1,69% етди. Активларнинг даромадлиқ даражаси 2016 йилда 2,02 % кўрсаткични ташкил қилиб, бу ўтган нисбатан ижобий ўзгариш кузатилган. Кейинги кўрсаткич ROE (return of equity) бўлиб инглизчада акциядорлик капиталининг даромадлиқ даражасини кўрсатади. Бу кўрсаткич 2015 йилда 2014 йилга нисбатан қарийб ярим фоизга ўсган, аммо 2016 йилда бу кўрсаткич 1,75 % га камайган. Тижорат банкларининг жорий ликвидлиқ кўрсаткичи деярли 2014 ва 2015 йилларда ўзгармаган, у мос равишда 67,13%, 67,12%ни ташкил қилди. Тижорат банклари жорий пасивларининг ўсиши ҳисобига 2016 йилда бу кўрсаткич 66,73 %га тушди.

Тижорат банкларининг молиявий барқарорлик даражасига таъсир қилувчи омил риск даражаси ҳисобланади. Шу сабабли, биз банкларнинг активларини риск даражаси бўйича таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

3-жадвал

Тижорат банклари активларининг риск даражаси бўйича таснифланиши[6]

№	Активлар риск даражаси бўйича гуруҳи	2014йил	2015йил	2016йил	2017 йил
1.	I гуруҳ (риск даражаси 20% бўлган активлар)	4,94%	5,54%	7,04%	35,1%
2.	II гуруҳ (риск даражаси 50% бўлган активлар)	5,47%	5,74%	6,16%	5,82%
3.	III гуруҳ (риск даражаси 100% бўлган активлар)	84,06%	74,31%	73,33%	51,84%
4.	IV гуруҳ (риск даражаси 150% бўлган активлар)	0,80%	2,39%	2,77%	0,39%
5.	Рискка тортилган активларнинг умумий суммаси	26805	37720	46490	10 852

Манба: “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги жадвалда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари риск даражаси бўйича таснифланиши келтирилган. Тадқиқотларимиз кўрсатдики, банк активларининг катта қисми рискли активлар улушига тўғри келади. Хусусан, 2014 йилда банк активларининг 100 % рискли деб топилган активлари жами рискка тортилган активлардаги улуши 84,06 %ни ташкил қилди. Бу кўрсаткич 2015 йилда 74,31 % ва 2016 йилда 73,33 % га камайган. Ўзгариш тенденцияси бўйича бунга қарама-қарши ўзгарган активлар I ва II гуруҳ активларидир. 2014 йилда 20 % рискли деб баҳоланган активларнинг жами активлардаги улуши 4,94 %ни ташкил қилиб, 2015 йилда 0,6 % га ўсган. Кейинги йилда бу кўрсаткич 7,04 % ташкил қилди. 50 % рискли деб топилган активлар 2014 ва 2015 йилларда 5,47 % бўлган. Бу кўрсаткич ҳам ўсиш тенденциясида давом этди, натижада йил охирига келиб 6,16 % ташкил қилди. Тижорат банклари рискка тортилган активларининг умумий суммаси йиллар давомида кескин ўсган. 2014 йилда бу кўрсаткич 26805 млрд.сўм ва 2015 йилда 37720 млрд.сўм ва 2016 йилда 46490 млрд.сўмни ташкил қилди. 2017 йилда банк активларининг риск даражаси юқори бўлган активларнинг ҳажми камайган. 2018 йил 1 январь ҳолатига, риск даражаси 100% деб топилган активлар ҳажми 73,3% дан 51,8% га камайган. Аммо, риск даражаси 20% деб топилган активлар ушбу давр мобайнида 7,04% ва 35.4% ташкил этган.

Бугунги кунда банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда актив ва пасивларни самарали бошқариш асосий восита ҳисобланади. Қисқа муддатга ресурсларни жалб қилиб, уларни узоқ муддатга жойлаштириш банк молиявий барқарорлигини издан чиқаради. Банк барқарорликни сақлаб қолиш учун актив ва пасивларнинг муддати ҳамда миқдорини ўзаро мувофиқлаштириш, банк актив ва пасивларини бошқарувчи менежернинг асосий вазифаси бўлиши керак. Мамлакатимиз банклари актив ва пасивларини бир-бирига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги таҳлилни амалга оширдик.

4-жадвал

Узоқ муддатли активлар ва мажбуриятларнинг жами активлар ва мажбуриятлардаги улуши (%) [6]

№	Кўрсаткичлар	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.
1.	Узоқ муддатли активлар	45,88%	43,54%	48,71%	49,6%
2.	Узоқ муддатли мажбуриятлар	33,95%	35,05%	37,09%	38,4%
3.	Узоқ муддатли активларни шакллантириш манбаси сифатида қисқа муддатли мажбуриятлардан фойдаланиш даражаси	27,77%	22,03%	21,04%	23,05%

Манба: “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Келтирилган 4-жадвал маълумотлари тижорат банклари узоқ муддатли актив ва мажбуриятларининг йиллар давомида жами актив ва мажбуриятларига нисбатан ўзгариши келтирилган. Жами активларда узоқ муддатли активлар ҳажмининг ошиши банкнинг ликвидлигига салбий таъсир кўрсатади. Тижорат банклари узоқ муддатли активларининг жами активлардаги улуши 2014 йилда 45,88 %, 2015 йилда 43,54 % ва 2016 йилда эса 48,71% ташкил қилди. Бу шуни кўрсатадики, тижорат банклари томонидан жалб қилинган узоқ муддатли ресурсларнинг ўсишига мувофиқ равишда ўсган. Агар узоқ муддатли ресурслар ҳажмида камайиш тенденцияси кузатилса, унда банклар бу кўрсаткични ошириш ҳуқуқига эга эмас чунки бу трансформация рискни келтириб чиқаради. Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жами мажбуриятлардаги улуши 2014, 2015 ва 2016 йиллар давомида мос равишда 33,95 %, 35,05 %, 37,09 %ни ташкил қилди. Узоқ муддатли активларни ташкил қилишда қисқа муддатли мажбуриятлардан фойдаланиш даражаси камайиш тенденциясига эга бўлган. 2014 йилдаги 27,77 % дан 2016 йилда 21,04 % камайган. Яъни, банклар фаолиятида трансформация riskи камайишга олиб келган. 2017 йил охирига келиб банкларнинг узоқ муддатли активлари ўсишда давом этиб, 49,6% ташкил қилган. Банкларнинг узоқ муддатли мажбуриятларининг жами мажбуриятлар-даги улуши 38,4% ташкил қилди.

5-жадвал

Қисқа муддатли активлар ва мажбуриятларнинг жами активлар ва мажбуриятлардаги улуши (%) [6]

№	Кўрсаткичлар	2014й	2015й	2016й	2017й
1.	Қисқа муддатли активлар	28,22%	29,29%	29,64%	30,4%
2.	Қисқа муддатли мажбуриятлар	43,20%	41,52%	42,76%	45,2%
3.	Жами активларда қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар ҳажми	3,28%	5,02%	4,45%	4,85%

Манба: “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўрсатиш мумкинки, қисқа муддатли активларнинг жами активлардаги улушида деярли кескин ўзгариш кузатилмаган. Бу кўрсаткич 2014 йилда 28,22 % ташкил этган бўлса кейинги йилларда бир фоиздан кўпроққа ўсган ва 2016 йилда 29,64 % билан яқунланган. Кейинги кўрсаткичимиз бунга қарама-қарши равишда ўзгариш тенденциясига эга бўлди, яъни банкларнинг жами мажбуриятлари орасида қисқа муддатли мажбуриятлар 2014 йилда 43,20 %, 2015 йилда 41,52 %, 2016 йилда 42,76 % ташкил қилди. Мамлакатимиз банкларининг қимматли қоғозлар билан олиб борадиган операциялари ривожланмаганини шундан кўриш мумкинки, жами активларда қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг ҳажми 2014 йилда 3,28 % ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич кейинги йилларда қарийб бир фоизга ўсган. 2016 йилда банкларнинг жами инвестицион операциялари ҳажмининг жами активлардаги улуши 4,45 % ташкил қилди. 2018 йил 1 январь ҳолатига, қисқа муддатли активларнинг жами активлардаги улуши 30,4% ташкил қилган бўлса, қисқа муддатли мажбуриятлар эса жами мажбуриятларнинг 45,2% ни ташкил қилди.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш банк фаолиятида юзага келувчи хавф-хатарларнинг таъсир қилиш доирасининг олдини олади. Юқоридаги тадқиқотларимиз натижасида қуйидаги хулосаларга эга бўлдик:

биринчидан, даромад келтирмайдиган активларнинг жами активлардаги улуши юқорилиги;

иккинчидан; риск даражаси юқори бўлган активлар ҳажмининг жами активлардаги улуши жуда юқори;

учинчидан, банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга оширадиган инвестицион операцияларининг ривожланмаганлиги;

тўртинчидан; банк активларининг даромад даражасининг пастлиги (ROA).

Хориж тажрибасини (хусусан, Германия ва Япония банк тизимини) ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни ишлаб чиқдик:

- банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида уларнинг молиявий инструментлар, хусусан, барқарор ресурс жалб қилишни таъминловчи қимматли қоғозлар олди-сотдисини амалга ошириш учун кенг йўл очиш;

- банклар актив ва пасивларини самарали бошқаришнинг янги усулларини (Германия ва Японияда кенг қўлланилувчи дериватив қуролларни) амалиётга жорий қилиш;

- молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида Япония ва Германия амалиётида кенг қўлланилувчи секьюритизациялаш усулларида кенг фойдаланиш;

- актив ва пасивлар муддати ҳамда ҳажми ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида” ги фармони 2017 йил 7 февраль ПФ-4947.

2. Frederic S. Mishkin “The Economics of Money, Banking, and Financial Markets”, page 216, 11th edition 2016.

3. Barbara Casu, Claudia Girardone, Philip Molyneux

4. “Introduction to Banking”, page 297, 2nd edition 2015.

5. Adam Gersl and Jaroslav Hermanek, “Financial stability indicators: Advantages and disadvantages of their use in the assessment of financial system stability”, page 69, 2007.

6. Рейтинговое Агентство “ Ahbor-Reyting” информационный бюллетень 1 февраля 2016 и 2017 года.